

O'zbekiston Respublikasi  
Xorazm viloyati  
Boğ'ot tumani  
HOKIMI  
Q A R O R I



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
ХОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» март

№ 422 и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

«BAGAT CITY» хусусий корхонасига Боғот тумани Гулшан маҳалласи ҳудудидан «Иссиқхона» қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

«BAGAT CITY» хусусий корхонаси раҳбари Х.Авезовнинг Боғот тумани «Гулшан» маҳалласи ҳудудидан «Иссиқхона» қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 04 мартдаги 1-сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва саклаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида»ги 2019 йил 25 февралдаги 167-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги «Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисида» 52-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосланиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. «BAGAT CITY» хусусий корхонасига Боғот тумани «Гулшан» маҳалласи ҳудудидан «Иссиқхона» қурилиши учун «Мирзиё Севинч» фермер хужалиги ер майдонидан, кишлок хужалигида фойдаланиладиган 1375-1376 контур 49 балл бонитетли 90 000,0 квадрат метр ер майдони вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

2. Туман ер ресурслари давлат кадастри бўлими (Ш.Норбаев)га ер хисоботини тузиш даврида ушбу ўзгаришларни хисобга олиш вазифаси топширилсин.

3.Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ш.Норбаев) ва “Гулшан” маҳалла фуқаролар йиғини раиси(П.Бобожонов)га вақтинча (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонини жойида далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан (10 йил) муддатга ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 1 (бир) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

5. «BAGAT CITY» хусусий корхонаси раҳбари Х.Авезовга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6.Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

7.Ушбу қарорнинг тасдиғи Хоразм вилояти хокимидан сўралсин.

8.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбанов ва туман хокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани хокими**



**О.Холбоев**